O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 16 июнь, № 115 (3914) Жума

# ҲАМКОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТНИНГ ОЙДИН ЙЎЛИ

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ШҲТнинг юбилей саммитида иштирок этди*



**ШАНХАЙ, 15 июнь (ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади).** Бу ерда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг навбатдаги саммити бўлди. У Давлат раҳбарлари кенгашининг тор доирадаги учрашуви билан бошланди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Республикаси Президенти Қурманбек Бакиев ва Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмонов иштирок этди.

Учрашувда ШҲТни янада ривожлантиришга, Котибият, Минтақавий аксилтеррор тузилма ва Ишбилармонлар кенгаши фаолиятини такомиллаштиришга, аъзо давлатлар ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий, ижтимоий-маданий алоқаларни кенгайтиришга оид масалалар муҳокама қилинди. Давлат раҳбарлари хавфсизлик муаммолари, дунёда ва ШҲТ минтақасида рўй бераётган воқеалар юзасидан фикр алмашдилар.

Кузатувчи ва таҳлилчилар мазкур саммит ШҲТнинг халқаро майдондаги нуфузи ортиб бораётганини, ташкилот ўзи қамраган кенг минтақада тинчлик ва тараққиётни таъминлашда муҳим ўрин тутаётганини намойиш этишини таъкидламоқда.

Президентларнинг тор доирадаги учрашувида ШҲТ доирасидаги ишлар аллақачон муҳокамадан амалиётга ўтгани таъкидланди. Хусусан, "уч ёвуз куч" — террорчилик, айирмачилик ва экстремизмга қарши курашдаги ҳамкорлик бўйича шу вақтгача уч маротаба қўшма машқлар ўтказилгани яхши мисолдир. Шунингдек, Тошкентдаги Минтақавий аксилтеррор тузилма воситаси билан кенг кўламда ахборот алмашуви йўлга қўйилганини, "ШҲТ — Афғонистон "мулоқот гуруҳи тузилганини таъкидлаш ўринли. Маълумотларга қараганда, Минтақавий аксилтеррор тузилма фаолияти туфайли 2005 йилнинг ўзида неча ўнлаб марта содир этишга киришилган террорчилик ҳаракатининг олди олинган.

Шанхай учрашуви халқаро сиёсатда муҳим аҳамиятга молик қатор масалалар муҳокама қилингани билан ҳам эътиборлидир. Дунёда унга кўрилган тайёргарлик ва саммитнинг ўзи диққат билан кузатиб борилди. Бунга эса ташкилот қисқа вақтда тараққий этгани, хавфсизлик ва иқтисодий ҳамкорликни таъминлашга қодир халқаро тузилма сифатида шаклланганi асосий сабабдир.

Таҳдидлар ва хавф-хатарларни баҳолашдаги ёндашувларнинг уйғунлиги, хавфсизликнинг узвийлигидан келиб чиққан ҳолда ҳамкорлик қилиш аъзо давлатларни бир-бирига янада яқинлаштиради. Мақсадларнинг муштараклиги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий-маданий муаммоларни ечишда ўзаро ҳурмат ва ишонч руҳи ҳукм суришини таъминламоқда.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик доирасида эса аъзо давлатлар ўртасида энергетика ва транспорт соҳасидаги алоқаларни янада ривожлантиришга қаратилган қўшма лойиҳалар тузилгани диққатга сазовордир. Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, аъзо мамлакатлар бу йўналишда икки томонлама ва кўп томонлама асосда ҳаракат қилмоқда.

Мажлисда Президентлар сармоявий ҳамкорлик, сув-энергетика захиралари, ерости ва ерусти бойликларидан унумли фойдаланиш, коммуникация ва ахборот тизимларини барпо этиш лойиҳалари, автомобиль, темир йўл магистралларини ривожлантириш масалалари юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

ШҲТ саммити арафасида ҳукумат бошлиқлари, парламентлар раҳбарлари, хавфсизлик кенгашлари котиблари, мудофаа, ташқи сиёсат, иқтисодиёт ва ташқи савдо маҳкамалари раҳбарлари, савдо-саноат палаталари раисларининг учрашувларини ўтказиш анъанага айланган. Шанхай саммити доирасида бу сафар ишбилармонларнинг учрашуви ҳам ўтказилди. Президентлар Ишбилармонлар кенгашининг тузилишини маъқулладилар. Бу тузилма Банклараро уюшма ва Тараққиёт жамғармаси билан бирга иш одамларининг бевосита ҳамкорлигини ривожлантиришга хизмат қилади.

Шу йил 30 май куни Москвада ШҲТ давлатлари парламентлари раҳбарларининг йиғилиши бўлиб ўтган эди. Унда олий қонун чиқарувчи органлар раҳбарларининг учрашувларини мунтазам равишда ташкил этиш борасида фикрлар баён қилинди. Президентлар бу ташаббусни ҳам маъқулладилар.

Давлат раҳбарлари кенгашининг кенгайтирилган тартибдаги мажлисида ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарлари билан бирга, ташкилотда кузатувчи мақомини олган давлатлардан вакиллар — Эрон Президенти Маҳмуд Аҳмадинежад, Покистон Президенти Парвез Мушарраф, Мўғулистон Президенти Намбарин Энхбайар, Ҳиндистон нефть ва табиий газ вазири М.Деора ҳамда саммит раисининг меҳмонлари — Афғонистон Президенти Ҳамид Карзай, МДҲ Ижроия қўмитаси раиси В.Рушайло, Жануби-шарқий Осиё давлатлари уюшмаси (АСЕАН) Бош котибининг ўринбосари У.Виллакорта қатнашди.

Мажлисда иштирокчилар ШҲТ доирасидаги савдо-иқтисодий, ижтимоий-маданий, илмий-техникавий ҳамкорликни ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашдилар. Аъзо ва кузатувчи давлатлар ўртасида турли соҳалардаги алоқаларни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон раҳбари ўз нутқида халқаро ҳамжамиятнинг саъй-ҳаракатларига қарамасдан жаҳон таҳдид ва хавф-хатарлардан халос бўла олмаётганини таъкидлади.

— Халқаро ҳамжамиятнинг саъй-ҳаракатларига қарамай, бугунги кунда дунёда ҳамон "оловли нуқталар", ҳудудий ва минтақавий низолар, миллий ва диний зиддиятлар хавфи, иқтисодий ва ижтимоий таҳдидлар сақланиб турибди, — деди Ислом Каримов. — Афғонистондаги беқарорлик, наркотик ишлаб чиқаришнинг ҳажми ортаётгани, мамлакатдаги халқаро коалиция кучларининг бу иллатларга қарши ҳаракатлари кутилган натижани бермаётгани жиддий ташвиш туғдирмоқда. ШҲТга аъзо мамлакатлар Европа ва Осиё қитъаларидаги улкан ҳудудни қамраб олган. Аҳолиси эса дунё нуфусининг тўртдан бирини ташкил қилади. Шулардан аёнки, ШҲТ қамраган минтақа улкан салоҳиятга эга. Айниқса, транспорт, энергетика, қурилиш каби соҳаларда имкониятлар жуда катта. Мажлисда бу салоҳиятни тўла ишга солиб, имкониятларни амалий натижаларга айлантириш борасида батафсил фикр алмашилди.

ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгашининг саммити ниҳоясига етгач, ҳужжатларни имзолаш маросими бўлиб ўтди. Унда ШҲТнинг беш йиллиги декларацияси, Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар раҳбарларининг халқаро ахборот хавфсизлиги тўғрисидаги баёноти, Террорчилик, айирмачилик ва экстремизмга қарши кураш бўйича 2007-2009 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастурига доир қарор, ШҲТ мамлакатлари ҳудудида қўшма аксилтеррор машқларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги битим, Аъзо давлатлар ҳудудига террорчилик, айирмачилик ва экстремистик фаолиятга дахлдор кишилар кириб келишини аниқлаш ва бундай йўлларни тўсиб қўйиш борасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги битим, Таълим соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битим, ШҲТ Ишбилармонлар кенгашининг таъсис сессияси якунлари тўғрисидаги протокол имзоланди. Ташкилот доирасида Банклараро уюшма аъзолари ўртасида минтақавий иқтисодий ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш бўйича ҳаракат дастури қабул қилинди.

Саммит қатнашчилари оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашдилар.

Унда музокаралар "Шанхай руҳи"-га мос тарзда ўтгани, ШҲТ доирасидаги алоқаларга доир ва бошқа қатор минтақавий ҳамда халқаро масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилгани таъкидланди. Ушбу саммит ташкилот фаолиятининг самарадорлиги ошиб бораётганини, унинг халқаро нуфузи юксалаётганини кўрсатгани алоҳида қайд қилинди.

ХХР Раиси Ху Цзиньтаонинг фикрича, бугун имзоланган ҳужжатлар ташкилотни ривожлантириш йўлидаги янги қадам бўлди.

Ўзбекистон раҳбари бугунги саммит ва унинг натижалари икки хулосага олиб келишини қайд этди. Аввало, ушбу саммит ШҲТнинг долзарблиги ва нуфузли ташкилотга айланганини кўрсатди. Музокаралар ШҲТнинг истиқболи порлоқ, ташкилот доирасидаги ҳамкорлик эса катта салоҳиятга эга эканлигини намоён қилди. "ШҲТнинг келажаги бизнинг саъй-ҳаракатларимизга боғлиқдир", деди Ислом Каримов.

Россия Президенти Владимир Путин ШҲТ халқларимиз турмуш даражасини бир-бирига яқинлаштиришга, Марказий Осиёни дунёнинг гуллаб-яшнаётган ҳудудига айлантиришга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Расмий тадбирлардан сўнг, ШҲТга аъзо мамлакатлар санъат усталарининг катта концерти бўлди. Унда Ўзбекистон вакиллари ҳам қатнашдилар. Яхши анъанага айланган бу тадбир маданияти ва санъати турлича бўлган халқларни бир-бирига яқинроқ таништиришда, бир-бирининг маданияти ва санъатини ўрганиш ва тарғиб этишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Шу билан ШҲТнинг юбилей саммити ниҳоясига етди. У аъзо ва кузатувчи давлатлар ўртасидаги ўзаро манфаатдорлик, ҳурмат ва ишончга асосланган муносабатларни янада ривожлантиришга, тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга оид масалаларни баҳамжиҳат ҳал этиб боришга, халқларимизнинг фаровонлигини оширишга хизмат қилиши шубҳасиздир.

**(ЎзА).**

**Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган сурат.**

*12-15 июнь кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Депутатлар муҳокамасига иккинчи ўқишда тақдим этилган «Солиқ маслаҳати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасинингт аъзоси А.Тўхтабоев маъруза қилди. Моддама-модда мукокама чоғида қонун лойиҳасининг солиқ маслаҳатчилари мақоми, солиқ маслаҳатчилари ташкилотларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, солиқ маслаҳатини амалга оширувчи шахслар фаолиятининг кафолатлари ҳақидаги, солиқ маслаҳатчиларига нисбатан қўйиладиган малака талаблари тўғрисидаги нормалари ва бошқа моддалари ҳар томонлама кўриб чиқилди. Қонун лойиҳаси киритилган таклифлар ва билдирилган мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда иккинчи ўқишда қабул қилинди.

Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг раиси И.Насриев «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилганлиги ҳамда уларнинг молиявий жавобгарлиги эркинлаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини тақдим этди. Муҳокама чоғида қонун лойиҳасининг «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги, «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги, «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги, «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги, «Ветеринария тўғрисида»ги, «Стандартлаштириш тўғрисида»ги, «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги қонунларга, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига, Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига ва бошқа бир қатор қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ҳақидаги моддалари чуқур таҳлил қилинди. Қонун лойиҳасининг моддама-модда муҳокамаси вақтида барча сиёсий партиялар фракциялари вакиллари иштирок этдилар. Ҳужжатни такомиллаштириш юзасидан киритилган таклифлар ва билдирилган мулоҳазалар ҳисобга олинган ҳолда қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда қабул қилинди.

«Фирма номлари тўғрисида»ги ҳамда «Фирма номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳалари тўғрисида депутатларга Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасининг аъзоси К.Жумамуротова ахборот берди. Қонун лойиҳаларининг моддама-модда муҳокамаси чоғида депутатлар баён этган бир қатор таклифлар ва мулоҳазалар ҳисобга олинган ҳолда қонун лойиҳалари иккинчи ўқишда қабул қилинди.

Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг аъзоси А.Эрдонаев «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддасига қўшимча киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси тўғрисида ахборот берди. Бўлиб ўтган савол-жавоблар ва муҳокамадан кейин мазкур Қонун Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинди.

**(ЎзА).**

## Маърифат соати



*Ҳаётнинг бир ҳақиқати бор: ким нимани хор қилса, ўшанга зор бўлади. Айниқса, нонни увол, сувни исроф қилиб бўлмайди. Бу — гуноҳларнинг каттаси. Агар бундай ҳолат жамият миқёсида авж олиб кетса, қийинчилик келиб чиқади. Шунинг учун ҳам уволга йўл қўйиб бўлмайди.*

# НАСИБАНГИЗ БУТУН БЎЛСИН

*Нонни увол, сувни исроф қилманг*

Келинг, яхшиси, бугунги ҳаётимизга бир назар ташлайлик. Ечимини кутаётган масалалар бор, аммо тўкинчилик, мўл-кўлчилик ҳукмрон. Энг муҳими, биз исрофгарчиликка йўл қўймаслигимиз зарур. Бироқ уволга муносабатимиз ҳар хил: биров бир бурда нонни азиз деб билса, бошқа биров шу азиз неъматни чиқитга чиқаришдан тап тортмайди. Биров тоза ичимлик сувни зар деб билса, бошқа биров шундай сувни пивони яхлатиш учун оқизиб қўймоқда.

Нимасини айтасиз, ҳозир ўзимизнинг буғдойранг хонимлар ва жаноблар орасида ҳам, афсуски, бола ўрнига ит етаклашни эп кўраётганлар кўпайиб боряпти. Улар инсонларга — етим-есирлар, бева-бечоралар ва кам таъминланган оилаларга меҳр-мурувват кўрсатиш ўрнига итни уйининг тўрига ўтқазишяпти. Аслида, кам таъминланганлар олдида ўзининг шоҳона ҳаётини кўз-кўз қиладиганларни ким деб аташ мумкин? Айтмоқчи бўлган фикрим шуки, яхши инсон ўзидан ортганини, яъни ортиқчасини қизғанмасдан, увол қилмасдан бировларга беради. Қанийди, ҳамма бойлар, ўзига тўқ одамлар ҳамиша шундай қилишса?! Бу, аввало, савоб ва саховат, қолаверса, бу билан уволнинг олди олинади.

Орамизда шундай одамлар борки, улар қарияларнинг нонни увол, сувни исроф қилмаслик ҳақидаги ҳикматомуз гапларига парво қилишмайди. Кўпинча бу ўгит ёшларнинг бу қулоғига кириб, у қулоғидан чиқиб кетади. Баъзан иссиқ, юмшоқ нон турганда, «увол бўлмасин» деб суви қочган нонни дастурхонга қўядиганларни хасис, зиқна дейишади. Ноннинг эски-янгиси бўлмайди. Нон ўз номи билан азиз.

Майли, ўтган асрнинг йигирманчи-ўттизинчи йилларидаги ҳамда иккинчи жаҳон уруши давридаги очарчиликларни қўятурайлик-да, олтмишинчи йиллар бошидаги қийинчиликни эслайлик. Буғдойзорни камайтириб, маккажўхоризорни кўпайтиришди, чорвага қирон келтириб, гўштнинг нархини оширишди. Хўш, оқибат нима бўлди? Бир кунда бир кишига бир буханкадан ортиқ нон сотмайдиган бўлишди. Қоплаб ун сотишни таъқиқлаб қўйишди. Африканинг қайсидир давлатидан олиб келинган қандайдир жониворнинг гўштини дўконларда тансиқ таом сифатида, ўлчаб сотишди. Ўшанда увол қилинган буғдойнинг ва қирон келтирилган чорванинг ўрнини ҳеч нарса қоплай олмади.

Афсуски, бунинг учқунлари ҳозир ҳам йўқ эмас. Айни буғдой пишган пайтда тонналаб сотиб олиб ва ғамлаб қўйиб, сўнгра уни ем ўрнида ишлатаётган ноинсоф бойваччалар қилиғига нима дейсиз? Биз алоҳида ем учун экилган донни назарда тутмаяпмиз. Ваҳоланки, бу бойваччалар ён қўшнилари, яқин қишлоқдошлари ёки қариндошларига меҳр-мурувват кўрсатиб ёрдам беришни хаёлларига ҳам келтиришмайди. Ҳали халқнинг хотирасидан ўчгани йўқ. Уруш пайтида биров нон еса, биров кунжара еган. Ҳозир ҳамма жойда чорвага ем — кунжараю шелухадан тортиб, омухта ему дағал хашаккача бемалол сотилаётган пайтда буғдойни молга бериш инсофданми?

(Давоми 2-бетда).

# Савдо-иқтисодий алоқалар ривожланмоқда

***Россия Федерацияси Томск вилоят губернатори ўринбосари А.Черевко бошчилигидаги россиялик ишбилармон доира вакиллари делегацияси Ўзбекистонга келди.***

Мазкур ташриф Россия Федерациясининг Томск вилоят Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси томонидан ташкил этилган бўлиб, жорий йилнинг апрел ойида ўтказилган Ўзбекистон — Россия Бизнес-форумининг мантиқий давоми ҳисобланади.

Пойтахтимиздаги "Марказий" меҳмонхонасида бўлиб ўтган анжуманда Томск вилояти маъмурияти вакиллари ва Савдо-саноат палатаси раҳбарияти, шунингдек, Томск вилояти ва мамлакатимиздаги машинасозлик, электротехника, қурилиш, нефть-газ, мебелсозлик, ўрмон ва ёғочни қайта ишлаш соҳаларида фаолият юритувчи ишбилармонлар иштирок этди.

Ташриф давомида ўзбекистонлик ишбилармонлар ҳамда соҳа етакчилари учун Томск вилояти кўргазмаси ташкил этилди. Унда мамлакатимиз тадбиркорлари Россия компаниялари ва фирмаларининг имкониятлари, маҳсулотлари билан яқиндан танишиб, турли соҳаларда ўз ҳамкорларини топиши мумкин. Учрашув давомида, шунингдек, Ўзбекистон ва Томск вилояти ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш истиқболлари ҳам муҳокама қилинди.

**Юлдуз РИЗАЕВА,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

# Қўмитанинг сайёр йиғилиши

***Нукусда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг сайёр йиғилиши бўлиб ўтди.***

Унда «Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида»ги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Конвенциясининг Қорақалпоғистон Республикасидаги ижроси билан боғлиқ масала кўриб чиқилди. Сайёр йиғилишда ўтган йили Қорақалпоғистон миқёсида 12191 нафар хотин-қиз янги иш ўринлари билан таъминланганлиги, касаначилик фаолиятига жалб этилганлиги, 190 нафар аёлга тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун имтиёзли кредитлар берилганлиги ва бошқа муайян ишлар бажарилганлиги қайд этилди.

Сайёр йиғилишда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати М. Бурхонова, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ўринбосари А. Жонибековаларнинг ахборотлари тингланди.

Йиғилишда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси М. Тешабоев, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раисининг ўринбосари F. Ражабов иштирок этдилар.

**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Фуқаролар мурожаати — назоратда



*Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Калонов мавзесидаги 2-уйда яшовчи Норсулув Алимова 2002 йил кўкламида таҳририятимизга шикоят хати йўллаганди. Унда айрим қўшнилари уй ертўласини металл тўсиқлар ёрдамида ажратиб, ўзбошимчалик билан ўзаро тақсимлаб олишгани, 1- ва 2-хонадон соҳиби уйга кириш йўлагининг бир томонини беркитган, иккинчи ва учинчи қаватларда истиқомат қилувчилар эса балкон ён деворини 25-30 сантиметр ўйган ҳолда ўзлари учун қўшимча хоналар қуришгани ҳақида сўз юритганди.*

# ЁЛҒОН ФОШ БЎЛДИ

Оқибатда бинонинг муайян қисми сейсмик талабларга жавоб бермайдиган, фавқулодда вазиятларда аҳолининг ташқарига чиқишига, зудлик билан бажариладиган ишларни амалга оширишга халақит берадиган даражага келиб қолганидан хавотирланганди.

Биз ушбу шикоят хатини текшириш ва зарур чора-тадбирлар кўриш учун ўз вақтида Собир Раҳимов тумани ҳокимлигига юбордик. Шунга кўра, кўп ўтмай ҳоким ўринбосари А.Мўминов имзоси билан расмий жавоб олдик. Унда арзгўй тилга олган барча қонунбузарликлар бартараф этилгани билдирилганди. Жавобга илова қилинган, Аҳмад Яссавий номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ш. Тўлаганова, туман ҳокимлигининг қурилиш бўлими бош мутахассиси Б.Асқаров, уй бошқарувчилари М.Загриддинов, Х.Аминов, мазкур уйда яшовчи О.Назаров ва бошқалар томонидан имзоланган йиғилиш баённомасида ҳам шу гаплар ёзилганди.



Амалда-чи!..

Орадан тўрт йилдан зиёдроқ вақт ўтди. Аммо бир вақтлар ҳоким ўринбосари жавобида ва фуқаролар йиғини мажлиси баённомасида тилга олинган маълумотлар ёлғон бўлиб чиқди. Шу боис Норсулув Алимова яқинда таҳририятимизга такроран шикоят хати ёзиб, ҳамон давом этаётган ўзбошимчаликларни бартараф этишда амалий ёрдам сўради.

Хўш, бу ҳолатни Аҳмад Яссавий фуқаролар йиғини ва туман ҳокимлиги масъуллари қандай изоҳлашаркин?..

**СУРАТЛАРДА: Собир Раҳимов тумани, Калонов мавзесидаги 2-уйнинг ўзаро тақсимлаб олинган ертўласи; шу уйнинг орқа томонга чиқиш йўлагига ноқонуний қурилган хона.**

**Темур ҚУРБОНБОЕВ олган суратлар.**


«SUVMASH» ОАЖ

буюртмачиларга омбордан таъмирланган ўз маҳсулотларини олиб кетишлари кераклигини маълум қилади:

| БУЮРТМАЧИ | МАҲСУЛОТ НОМИ | ДОНА |
|---|---|---|
| Қашқадарё вил. «Иссиқлик манбаи» ИЧБ | электродвигатель М315МК4 250F 1500 | 1 та |
| Тош. вил., Ўрта Чирчиқ т-ни, «Қурол ота» ш/х | электродвигатель 75F 1500 | 1 та |
| «Сувмахсустаъмир» | электродвигатель АЛ 102-4 160F 1500 | 1 та |
| Жиззах ХҚРБ | электродвигатель 55F 1500 | 1 та |
| Жиззах ХҚРБ | электродвигатель 75F 1000 | 1 та |
| Сурхондарё вил., «Ҳазорбоғ» ш/х | электродвигатель АЛ 101-6 100F 1000 | 1 та |
| Сурхондарё вил., «Ҳазорбоғ» ш/х | электродвигатель АЛ 103-6 160F 1000 | 1 та |
| Тошкент ш. ТББ-5 | электродвигатель МТВ 8 22F 720 | 1 та |
| Тошкент ш. ТББ-5 | электродвигатель 4А 180М4 30F 1500 | 1 та |
| Тошкент ш. ТББ-5 | электродвигатель МО 200-4 30F 1500 | 1 та |
| «Янги ҳаёт» ш/х | электродвигатель АО3-2-91-6 55F 1000 | 1 та |
| Сурхондарё вил., Улаш Туропов номли ш/х | электродвигатель М 250 М6 55 F 1000 | 1 та |
| Сурхондарё вил., Улаш Туропов номли ш/х | электродвигатель А-92-6 75F 1000 | 1 та |
| Тошкент вил., «Авангард» ш/х | электродвигатель М 280 L6 160F 1000 | 1 та |
| Сурхондарё вил., Бойматов номли ш/х | электродвигатель М 280 ML4 200F 1500 | 1 та |
| Сурхондарё вил., Бойматов номли ш/х | электродвигатель 4А 132-2 11F 3000 | 1 та |
| Нукус ш., ОДСП-1 | электродвигатель А 4-400 250F 600 | 1 та |
| Гулистон ш. ҳокимияти | электродвигатель 4А 180 S 22F 3000 | 2 та |
| Гулистон ш. ҳокимияти | электродвигатель 4А 200 М4 37F 1500 | 2 та |
| Гулистон ш. ҳокимияти | электродвигатель 4А 160 S4 15F 1500 | 2 та |
| Гулистон ш. ҳокимияти | электродвигатель ASI 63-180M 22F 3000 | 1 та |
| Чиноз тумани, Охунбобоев номли ш/х | электродвигатель 4А 280 М8 75F 750 | 1 та |
| Наманган «Сувоқова» ИЧБ | электродвигатель AL 102-4 160F 1500 | 1 та |
| Наманган «Сувоқова» ИЧБ | электродвигатель AL 103-4 190F 1500 | 1 та |
| Наманган «Сувоқова» ИЧБ | электродвигатель 4АМН 315-4 200F 1500 | 1 та |

Кўрсатилган ташкилотлар буюртма маҳсулотларини 30 кун мобайнида олиб кетмаса, мазкур маҳсулотлар «SUVMASH» ОАЖ омборидан эркин савдода сотилади.

ТЕЛЕФОН (998-71) 195-25-75.

27878/1066



Азиз юртдошлар!

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ "АЛОҚАБАНК"нинг



янги қулай **"САХИЙ" 2 ойлик** депозит омонатидан фойдаланинг!

Омонатга йиллик **22 фоиз** миқдорида даромад тўланади.
Омонатга маблағлар 1 августга қадар қабул қилинади.

**Шунингдек, банкда мавжуд қуйидаги омонат турларидан фойдаланишингиз мумкин:**

| | | |
|---|---|---|
| "Байрам" | йиллик 20 фоиз | 4 ой муддатга |
| "Шифокор" | йиллик 22 фоиз | 6 ой муддатга, фоизларни ҳар ойда олиш мумкин |
| "Файзли" | йиллик 21 фоиз | 6 ой муддатга, фоизларни ҳар ойда олиш мумкин |
| "Туҳфа" | йиллик 20 фоиз | 6 ой муддатга, фоизларни ҳар ойда олиш мумкин |
| "Махсус" | йиллик 30 фоиз | муддатсиз, омонатга қўшимча бадаллар қўйиш, коммунал ва телефон хизматлари учун пул ўтказиш мумкин |
| "Бахтли болалик" | йиллик 30 фоиз | 3 йилдан 17 йилгача омонатга қўшимча бадаллар қўйиш мумкин. Омонат 1 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар номига очилади |
| "Яхши ният" | йиллик 20 фоиз | 6 ой муддатга, омонатга қўшимча бадаллар қўйиш мумкин |
| "Хумо" | йиллик 20 фоиз | 12 ой муддатга, омонатга қўшимча бадаллар қўйиш мумкин |
| "Пластик карточка" | йиллик 24 фоиз | муддатсиз, фоиз қолдиқ суммага ҳисобланади |

**Омонатга қўйган маблағларингиз Ўзбекистон Республикаси Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланган!**

**Қўшимча маълумотларни 152-78-86, 137-49-36 телефонлари орқали ёки банкнинг исталган филиалидан олишингиз мумкин.**



ДУНЁ ЯНАДА ЯҚИНРОҚ БЎЛИШИ УЧУН

UZDUNROBITA first cellular МТС ГА ҚЎШИЛМОҚДА



**МТС ЎЗБЕКИСТОН (Уздунробита) тармоғига уланган ҳар бир янги абонентга компания офисида совғалар тақдим этилади!**

Ўзбекистан Республикасида хизматлар
"Уздунробита" компанияси
томонидан тақдим этилади
Хизматлар лицензияланган

WWW.MTS.UZ






**Иш столингизда жой бўшатмоқчимисиз? Лекин иш учун керакли сканер, принтер, факс, нусха кўчириш мосламасини қаерга қўйишни билмайсиз. Техникадаги янгилик — кўп вазифали қурилмалар туфайли ҳозир бу муаммонинг ечими осон. Бу ажойиб қурилмалар айни пайтда бир нечта техник операцияларни бажариши мумкин. Ана шундай сифатли ва ишончли универсал ёрдамчини қидириб кўрайлик-чи.**

> Мени қизиқтириб қолган биринчи жиҳоз Samsung Electronicsнинг кўп вазифали SCX-4521F қурилмаси бўлди. Бу янгилик оргтехника ҳақидаги тасаввуримни бутунлай ўзгартириб юборди. Биргина техника жиҳозида тўртта (!) вазифани жамлаш мумкинлиги хаёлимга ҳам келмаган эди. Машҳур мультфильм қаҳрамонидек: «Техника нималарга қодир!» дегим келди. Лазерли принтер вазифаларидан ташқари янги қурилма менга сканерлаш, нусха кўчириш ва факсимил алоқанинг аъло имкониятларини ваъда қиларди.

> Бу вазифаларнинг ҳаммасини иш столининг бир четида жойлашадиган, думалоқ шаклли нафис, ихчам аппарат бажаради!

> Лекин бу «кичкинтой» идорада ҳақиқий паҳлавон бўлар экан. Ечими бир дюймга 600 нуқтали бўлган тасвирни 1 дақиқада 20 бет босиб чиқариш! Яна битта кутилмаган совға бунда тонернинг чорагича тежалади (бетакрор тежаш технологияси туфайли), буниси мен, яъни шахсий фойдаланувчи учун жуда керак. Уни тўлдиришда тежам анча сезиларли бўлади.

> Бу ажойиб асбобнинг яна бир вазифаси — нусха кўчириш. «Ксеронусха» тушунчаси кундалик ҳаётимизга кирганига анча бўлди. Шунинг учун уйда ёки ишхонада бундай техника бўлиши жуда қулай. Янги SCX-4521F нусха кўчиришни ўта осонлаштиради. Бу ерда нусха катталигини асл нусхагача келтиришдан бошлаб ҳаммаси автоматлашган. Вазифаларидан бири эса умуман янгича ноу-хау. Икки томонлама ҳужжатлардан нусха кўчиришни айтаяпман. Эндиликда асл нусхани, масалан, паспортни айлантириш ва иккинчи томони тескари чиқмаслиги учун унинг ҳолатини эслаб қолиш шарт эмас.

> Қоғозни бир марта ўтказишдаёқ аппарат бир варақда ҳужжатнинг иккала томонини чиқариб беради! «Клон» режими эса бир варақда ҳужжатнинг бир нечта нусхасини жойлаштириши мумкин. Бундан ташқари, ҳар гал керакли режимни созламаслик учун «танланган нусха кўчириш режими» мавжуд. Бир тугмани босиб, керакли режимни созлайсиз. Айтганимдек, ҳаммаси автоматлашган.

> Бу ҳали ҳаммаси эмас. Кўп вазифали кичкинтойимиз сканерлашни ҳам билади. Натижада ечими бир дюймга 4800 (!) нуқтали сифатли рангли тасвир чиқади (оқ-қора тасвирнинг сифатини унинг 256 жилоси кўрсатади). Samsungнинг бу янгилиги билан матнни сканерлаш ҳам муаммо эмас. Ҳарф териб нима қиласиз? Матнни таниб олишнинг универсал тизими дарҳол мониторга асл нусхани чиқариб беради.

> Барибир, бу универсал техника яна алоқа воситаси бўла олишини тасаввур қилишим қийин эди. Ҳақиқатан ҳам худди шундай. Мен ўзим шахсан факс ахборотини жўнатиб, бу ажойиб жараённинг шоҳиди бўлдим. Айтмоқчиманки, жўнатиш бир онда ўтади (тезлиги сониясига 33,6 Кбит гача). Фойдаланувчидан эса озгина ҳаракат талаб этилади, яъни ҳужжатни фақат яшикчага солиб, керакли рақамни териш. Рақамли тугмалар аппаратнинг олд панелида жойлашган. Бунда 10 та телефон рақамини машина бир тугмадаёқ эслаб қола олади.

> ... SCX-4521F билан батафсил танишиш мени бефарқ қолдирмади. Бундай ёрдамчи ишни ҳақиқий роҳатга айлантириши мумкин! Қизиқиб қолганларга эса, пойтахтда ушбу кўп вазифали қурилма моделининг биргина дистрибьютори борлигини айтишим мумкин — «Sharifa T» МЧЖ (Ғафур Абдурашидов кўчаси, 1-«А» уй. Тел.: 137-68-03, 137-68-04, 134-00-61). Фақат бу ерда сиз сертификатланган маҳсулотни уч йиллик кафолати билан харид қилишингиз мумкин.

> Батафсил маслаҳат ва энг олий даражадаги хизмат кўрсатишни Samsung компаниясининг Ўзбекистондаги ваколатхонасининг сервис-марказларидан олишингиз мумкин: «MASTER-SERVICE» ХФ (Чилонзор тумани, Туроб Тўла кўчаси, 55-уй. Тел.: 144-72-91, 127-78-74) ва «Delight»ШК (Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: 137-68-03, 137-68-04).

# Тиббиётчилар анжумани

***Ҳар сафар бўлгани каби тиббиётчиларнинг бу галги йиғини олдидан ҳам қатор ташкилот, фирмаларнинг дори-дармонлари ҳақидаги қўлланмалар, плакатлар, дастурлар, ҳисобот тўпламлари Республика Эндокринология илмий-текшириш институтига келган меҳмонлар — эндокринологларга тақдим этилди.***

Чунки қандли диабет хасталиги ва унинг асоратлари шу соҳа мутахассисларининг, айниқса, кейинги пайтда бу борада янада самарали илмий ишлар олиб боришини тақозо этяпти. Шу мақсадда куни кеча улар Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Эндокринологлари ассоциацияси ҳамкорликда уюштирган илмий-амалий анжуманга тўпланишди.

Унда асосан мамлакатимиз ҳудудларида шу йўналишда фаолият кўрсатаётган мутахассислар, тиббиёт муассасаларининг раҳбарлари, шунингдек, ҳамширалар иштирок этгани аҳамиятли бўлди. Бунинг боиси бор, албатта. Тадбирда қилинган «Инсулин резистентлиги муаммоси ва уни ҳал қилиш», «Қандли диабет касаллигида Манинилнинг қўлланиш хусусиятлари», «Диабет тўпиғи синдроми муаммоси, даволаш ва профилактика усуллари» сингари бир қатор маърузалардан шуни англаш мумкин эдики, беморларни даволашда, айниқса, жарроҳлик усуллари қўлланилганда оғирлик юки кўпроқ ҳамшираларга тушади. Шунинг учун ҳам тадбир давомида амалий машғулотлар ўтказилгани анжуман қатнашчиларида алоҳида таассурот қолдирди. Бу уларнинг амалий ишларида асқотиши шубҳасиз.

Анжуманнинг энг аҳамиятли томони шунда бўлдики, тақдим этилган қўлланмаларнинг ўз эгалари — шу соҳа мутахассисларига етиб бориб, жойларда қандли диабет хасталигини даволашда «ишлаши» назорат қилинадиган бўлди.

**Умида ФАЙЗИЕВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Маънавият



***Бугунги кунда Самарқанд вилоятида 743 та оммавий кутубхона фаолият кўрсатаяпти. Уларнинг 661 таси қишлоқларда жойлашган. Бундан ташқари, 16 та марказлашган кутубхона ҳам мавжуд. Зиё масканларининг умумий китоб фонди 5 миллион нусхадан ортиқ.***

***— Бу жуда катта интеллектуал салоҳият манбаи демакдир, — дейди вилоят илмий-оммабоп кутубхонасининг директори Шаҳодат Аҳмедова. — Аслида кутубхонанинг жамиятдаги маърифий, маданий роли юксак. Негаки, кишилар онгининг ўсишида, тафаккурининг бойишида, дунёқарашининг кенгайишида китобнинг аҳамияти беқиёс.***

# ЁШЛАР КИТОБ ЎҚИМАЙДИМИ?

## *Самарқандлик кутубхоначилар бу фикрни рад этишади*

Ҳа, китоб — муқаддас хазина, инсоният ижодининг чинакам ҳайратланарли ва энг буюк мўъжизаларидан бири. Шунинг учун ҳам отабоболаримиз фаолиятида китоб тўплаш ва кутубхона очиш муҳим вазифа ҳисобланган. Китобга бўлган ғамхўрлик, унинг авайлаб-асралиши бобида Темурийлар давридаги кутубхоналар ҳамон эътиборлидир. Машҳур швед санъатшуноси Артур Поун «Европа ҳамон уйқуда чоғида ислом донишию ҳунари оламнинг ярмини илму урфон нури билан чулғаган эди» деб таъкидлаганда, айнан Темурийлар даврида фан ва маданиятда, жумладан, кутубхоналарга ҳам ғоят катта ғамхўрлик кўрсатилганини назарда тутган эди. Айниқса, 1428-1429 йилларда ташкил этилган Улуғбекнинг Самарқанддаги машҳур расадхонасидаги кутубхона шу давр илм фани учун жуда катта аҳамият касб этгани тарихдан маълум.

Бутун дунёда интеграция жараёнларининг жадаллашуви коммуникация соҳасида, турли ахборот алмашинув тармоқларида яққол намоён бўлмоқда. Бундай имкониятлар шаҳар ва туманлар миқёсидаги кутубхоналарнинг ҳам ахборот алмашинувидаги аҳамиятига ижобий таъсир ўтказмоқда. Натижада анъанавий кутубхоначилик технологиялари, хизмат кўрсатиш усул ва шакллари, кутубхоналарнинг ўзаро ҳамкорлик тамойиллари, қолаверса, улардаги бошқарув жараёнлари ҳам тез ўзгараяпти. Кутубхона фондлари янги турдаги электрон ахборот ресурслари билан бойимоқда.

Зиё масканларида электрон ўқув заллари, видеозал, овоз ёзиш студияси ташкил этиш, интернет тизимига уланишга бўлган эҳтиёжлар катта эканлиги бугунги кунда сир эмас. Кутубхонанинг ўз электрон ресурс базасини яратиш учун янги дастурларни жорий этишга бўлган талабнинг ошаётгани соҳа мутахассислари олдига муҳим вазифалар қўймоқда.

— Бу борада ҳам сезиларли ўзгаришлар ва ҳаракатлар олиб борилаётганидан қувонасан, киши, — дейди Шаҳодат Аҳмедова. — Кутубхоналар фаолиятида янги ахборот технологияларини жорий қилиш, турли манбалар орқали ахборот излаш асосларини ўрганишга бағишланган семинарлар, илмий-амалий конференциялар ва давра суҳбатлар ўтказилмоқда.

Вилоят кутубхонасида бўлган чоғимиз соҳа ходимлари бир фикрни айтиб қолишди:

— Кейинги пайтларда айримлар ёшларнинг кутубхоналарга кам келиши, кам китоб ўқишлари ҳақида кўп гапирадиган бўлиб қолишди, — дейишди улар. — Аммо биз бу фикрга қўшилмаймиз. Бу кутубхонага келмайдиган, китобхонларга учрамайдиганларнинг фикри. Масалан, зиё масканимиздаги китобхонларнинг 70 фоизини 25 ёшгача бўлганлар ташкил этади. Ҳозир улар 33 минг нафардан ортиқ. Йилига 700 минг нусха атрофидаги китоблар уйга берилади. Ўтган йили 5 миллион сўмликдан ортиқ адабиётлар сотиб олинди. Яна шунча миқдордаги маблағ матбуот нашрлари обунасига сарфланди.

Кутубхонада кўплаб ижтимоий ташкилотлар, турли нодавлат нотижорат миллий маданий марказлар билан ҳамкорликда ўтказадиган оммавий тадбирларда ҳам ёшлар доимий равишда фаол иштирок этишади.

1999 йилда Самарқандда вилоят кутубхоначилари ассоциациясининг тузилиши билан вилоятда кутубхоначилик ишини ривожлантиришнинг янги даври бошланди. Барча тизим ва идоралар кутубхоналари ўртасидаги мувофиқлашув кучайди. Нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлик алоқалари мустаҳкамланди. МДҲ мамлакатлари ва чет эл кутубхоначилик ишининг мутахассислари билан мулоқотлар янги даражага кўтарилди.

Ассоциация фаолиятида 95 йиллик тарихга эга бўлган вилоят кутубхонаси муҳим ўрин эгаллаб келаётганини таъкидлаш жоиз. Айни пайтда кутубхона Россия, Қозоғистон, Эрон, Қирғизистон, Германия, Франция, Буюк Британия, Япония каби давлатлардаги кутубхоналар билан ҳамкорликни йўлга қўйган.

Севимли ёзувчимиз Ойбек: «Китоблар инсон тафаккурининг жавоҳирларини йиғиб авлодларга мерос қилиб қолдиради» деган эди. Бугунги кунда зиё тарқатувчиларимиз ҳам ана шундай улуғ ишларга ҳисса қўшиш ниятида ғайрат билан меҳнат қилишмоқда.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


DELTA·BI EX
UZBEK EXHIBITION COMPANY
ЗАЩИТА И СПАСЕНИЕ · 2006



МЕЖДУНАРОДНАЯ ЦЕНТРАЛЬНОАЗИАТСКАЯ ВЫСТАВКА
ОФИЦИАЛЬНАЯ ПОДДЕРЖКА
Государственное предприятие "UZMAKHSUSIMPEX"
26-28 сентября 2006 года
Тел. (99897) 330-48-00.
Факс (99871) 144-16-87.
E-mail: delta@uzpak.uz
МЕСТО ПРОВЕДЕНИЯ: ТПК "НАВРУЗ"
* технические средства обеспечения безопасности,
* антитеррористическое оборудование,
* средства защиты информации, * спасения при ЧС и пожарной охраны,
* обеспечения банковской и промышленной безопасности.
Бизнес-партнеры: infoCOM.UZ
ООО "NOVITA-EDMG"
2390Н/568


# Босма оммавий ахборот воситалари учун республика танлови

*Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳудудий босма нашрлар учун 10 000 000 сўм миқдоригача фоизсиз заём бериш бўйича танлов эълон қилади.*

***Танловда таҳририят ёки ноширлари мулкчилик ва ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, Ўзбекистоннинг юридик мақомга эга бўлган, барча вилоят ва туманлар ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида фаолият юритаётган босма оммавий ахборот воситалари иштирок этишлари мумкин.***

***Танлов мавзуси: Танловга босма оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий барқарорлигини ошириш ва ўз-ўзини таъминлашга йўналтирилган тадбирларни татбиқ этиш кўзда тутилган бизнес-режалар қабул қилинади.***

***Танлов якуни бўйича жамоат фонди билан ғолиблар ўртасида шартнома тузилади.***

### Танловни ўтказиш тартиби ва муддати:

**1. Танлов ҳақида республика оммавий ахборот воситаларида эълон бериш — 2006 йил 17 июнгача;**

**2. Буюртмаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2006 йил 7 август, соат 17.00 гача;**

**3. Эксперт кенгаши йиғилишида буюртмалар берилган конвертларнинг очилиши — 2006 йил 10 августда, Тошкент шаҳрида;**

**4. Эксперт кенгаши томонидан лойиҳаларни кўриб чиқиш ва баҳолаш — 2006 йил 11-23 августда;**

**5. Эксперт кенгаши йиғилишида ғолибларни аниқлаш бўйича овоз бериш — 2006 йил 24 августда.**

### Буюртмаларни танлаб олишнинг асосий мезонлари:

**1. Тақдим этилган бизнес-режанинг босма оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий аҳволини яхшилашга қаратилган мақсадларга мувофиқлик даражаси;**

**2. Бизнес-режанинг тегишли стандарт, тузилма ва талабларга мувофиқлиги, амалий молиявий-иқтисодий асосланганлиги;**

**3. Лойиҳанинг самарадорлиги ва истиқболи, оммавий ахборот воситаларининг ривожланиши учун барқарор иқтисодий негиз яратилганлиги;**

**4. Заёмни қайтариш шартлари.**

### Буюртмаларни тақдим этиш:

**Танловда қатнашиш учун ариза берувчилар фонд директори номига мурожаат хати тақдим этишлари лозим.**

**Буюртмалар ва унга илова қилинаётган ҳужжатлар давлат ёки рус тилларида босма ҳолда, муҳрланган бўлиб "Ҳудудий босма оммавий ахборот воситалари бизнес-режалари танловига" қайд қилган ҳолда қуйидаги манзилга жўнатилади: Тошкент ш., Навоий кўчаси 30-уй, 3 қават, 5-хона.**

**Фоизсиз заёмлар олиш учун тўлиқ ёки ноаниқ маълумотлар берилган ва Эксперт кенгаши томонидан белгиланган муддатдан кейин тақдим этилган лойиҳалар танловда иштирок этмайди.**

**Иштирокчилар юборган буюртмалари ва иловалари билан бирга ўз муддатида қабул қилинганига ишонч ҳосил қилишлари лозим.**

**Танлов ташкилотчиси почта хизмати ва алоқа воситасидаги узилишларга жавоб бермайди.**

**Буюртмаларнинг қайтариб берилиши сабаблари хабар қилинмайди, лойиҳалар тақриз этилмайди, тадқиқотчилар томонидан танловга тақдим этилган ҳужжатлар ва материаллар қайтарилмайди.**

**Танловда қатнашиш учун зарур бўлган буюртманинг шакли ва бошқа ҳужжатларни Фонддан ёки www.mmf.uz. сайтидан олиш мумкин.**

**Танлов мақсади ва шартлари ҳақида иштирокчилар учун ташкилотчи томонидан консультация йиғилиши ўтказилади. Йиғилиш 2006 йил 27 июнь, соат 15.00 да Ўзбекистон Миллий матбуот марказида бўлиб ўтади.**

**Танловни мувофиқлаштирувчи ташкилот тел/факс: 1441251.**


СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОЕ ПРОИЗВОДСТВЕННОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ (СПП) VINLAD
Vinlad
Сделаем жизнь спокойнее!
ADI International
Panasonic
Вид деятельности — проектирование, производство, внедрение, гарантийное и сервисное обслуживание комплексных систем безопасности для объекта любого масштаба, выбор, тестирование, поставка оборудования для разнообразных решений безопасности.
Системы видеонаблюдения




НОВЫЕ ПОСТАВКИ!
профессиональное качество по привлекательным ценам
ул. Дружбы народов, 44.
Тел.: 367-97-14/15. Факс 367-00-68.
E-mail: vinlad@sarkor.uz
Web-site: www.vinlad.com
ISO 9001: 2000
Лицензия МВД РО «Охрана» № 103,
лицензия МВД УПО № 29/2-2-97,
лиценцзия КМ №000390 (проектирование).
2562R/138



NBU
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ
технология ускуналарини харид қилиш ва савдони молиялаш учун Корея Эксимбанкининг кредит йўналиши доирасида республика корхона ва ташкилотларини хорижий валютада молиялаштиради.
- *Кореяда ишлаб чиқарилган товарлар/ускуналарнинг импорт контрактидаги улуши — 100%.*
- *Кредит муддати — 180 кун.*

Қўшимча маълумот учун қуйидагиларга мурожаат қилинг:
Кредитлаш бош бошқармаси тел.: 134-16-02, факс: 135-19-20
ёки Ўзмиллийбанкнинг исталган бўлим/филиали.



NBU
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ
технология ускуналарини харид қилиш ва савдони молиялаш учун Малайзия Экспорт-импорт банкининг кредит йўналиши доирасида республика корхона ва ташкилотларини хорижий валютада молиялаштиради.
- Минимал сумма — 100 минг АҚШ доллари.
- Малайзияда ишлаб чиқарилган товарлар/ускуналарнинг импорт контрактидаги улуши — камида 30%.
- Кредит муддати:
  - *хомашё, материаллар ва бошқа товарлар харидлари бўйича савдони молиялаштириш учун — 1,5 йилгача, шу жумладан 6 ойлик имтиёзли давр;*
  - *инвестиция лойиҳаларини ва ускуналар харидини молиялаш учун — 5 йилгача, шу жумладан 2 йиллик имтиёзли давр;*
  - *ўз маблағлари иштироки — лойиҳа қийматининг камида 25%.*

Қўшимча маълумот учун қуйидагиларга мурожаат қилинг:
Лойиҳаларни молиялаш маркази, тел.: 138-56-68, факс: 135-56-10;
Кредитлаш бош бошқармаси, тел.: 134-16-02, факс: 135-19-20
ёки Ўзмиллийбанкнинг исталган бўлим/филиали.



*Фарғона вилояти, Учкўприк тумани давлат солиқ инспекциясидан рўйхатдан ўтиб фаолият кўрсатган*
**«МБИ Баха», «Кин Орзу» ва «Ҳуволлоҳ Оқсарой» хусусий фирмалари**
*Фарғона вилояти хўжалик судининг 2006 йил 1 май кунидаги 15-06-04/3489-сонли, 15-06-04/3490-сонли ва 15-06-04/3491-сонли ҳал қилув қарорларига асосан*
**банкрот деб эътироф этилди ва тугатиш ишлари бошланди.**
Ушбу фирмаларга алоқадор шахс ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча ҳақдор корхона ва ташкилотлар эълон чиққан кундан бошлаб 1 (бир) ой муддат ичида қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:
Фарғона вилояти, Учкўприк тумани, «Укитувчилар» кўчаси, 20-«А» уй, Учкўприк тумани давлат солиқ инспекцияси, 4-хона.
Телефонлар: 52-7-34, 51-9-72, код 8-(373-51)


# Саломатлик поезди – болалар оромгоҳларига

***"Экосан" халқаро ташкилотининг саломатлик поезди Зарафшон воҳаси томон йўл олди. Инсонпарварлик юклари, жумладан озиқ-овқат, дезинфекцияловчи воситалар, кийим-кечаклар, кўрпа-тўшак ғилофлари, пойабзаллар ортилган поезд Навоий, Самарқанд ва Бухоро вилоятларидаги ёзги оромгоҳларда дам олаётган болаларга тортиқ этилади.***



Тадбир давомида барча дам олиш муассасаларида экологик тарғибот-ташвиқот ишлари, дам олувчилар ўртасида танловлар, викториналар, экофестиваллар ўтказиш режалаштирилган. Шунингдек, ташкилот қорақалпоғистонлик кам таъминланган оилаларнинг 25 нафар фарзандини Россия Федерациясидаги, 100 нафарини Тошкент вилоятидаги болалар оромгоҳларида дам олишларини ташкиллаштиришни режалаштирган. "Ўзбекистон темир йўллари" компанияси билан ҳамкорликда ўтказилаётган ушбу акциялар экологик аҳволи мураккаб минтақаларга мурувват юклари ортилган поездлар ва автопоездларни жўнатиш тадбирлари доирасида ўтказилмоқда.

**М. ХОЛМАТОВА.**


MF «МЕДИФАРМ»
ФАРМАЦЕВТИКА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ
Сизларга соғлик-саломатлик тилаймиз!
Истагимиз ҳеч қачон бизнинг дори-дармонларимизга муҳтожлик сезманг.


Ўзбекистон Республикаси Президенти девони жамоаси девоннинг масъул ходими Абдулазиз Абдуғаниевга падари бузруквори
**Абдувоҳид АБДУҒАНИЕВнинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси жамоаси фалсафа фанлари доктори, профессор
**Манзурат Ҳайдаровна ХОЛМАТОВАнинг**
вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази жамоаси Муҳиддин Нарзиқуловга волидаси
**БАСИМАХОН ҳожи аянинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Quality Industry International Limited» қўшма корхонаси жамоаси бошқарув раиси Уйғун Нарзиқуловга онаси
**БАСИМАХОН ҳожи аянинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир ўринбосари Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 857. 27344 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;*
*Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Б. Эгамқулов.
Навбатчи — Ш. Ортиқов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — [illegible].00 Топширилди — [illegible] 23456